



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 1-2 март кунлари амалий таширф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Боку шаҳрига таширф доирасида давлатимиз раҳбари Қўшилмаслик ҳаракати саммитининг ялпи сессиясида иштирок этиши кўзда тутилган.

Озарбайжон томонининг раислигида ўтадиган тадбир кун тартибидан пандемия оқибатларининг таъсири сақланиб қолаётган ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликка хавф-хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда кўп томонлама мулоқотни ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон етакчилиги Озарбайжон Президенти билан учра-

шиб, илгари эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиши режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Қўшилмаслик ҳаракати ҳарбий-сиёсий блоклар ва ташкилотларда иштирок этмаслики ҳамда ҳамкорликни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг принциплари ва мақсадлари асосида ривожлантиришни ўз таъқиби сифатининг асоси этиб эълон қилган 120 та иштирокчи давлатни бирлаштирган энг йирик халқаро тузилмалардан бири ҳисобланади.

ЎЗА

АГРОТАРМОҚ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар самараси бугун барча соҳа ва тармоқларда бўй кўрсатмоқда. Буни ҳар бир жабҳада эришилаётган катта натижалар, қўлга киритилаётган улкан ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Гап барқарор ривожланиш, маълум соҳалар тараққиёти ҳақида борар экан, умумий муваффақиятларга тиргак бўлаётган асосий омилларга тўхталиб ўтиш жоиз.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ

АСЛ ДАРОМАД МАНА ШУНДА



Маълумки, Ўзбекистон яқин-яқинга-ча аксарият соҳа ёки тармоқларда, шу жумладан, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги каби йирик потенциалга эга йўналишларда, асосан, хомашё экспорти билан шўгулланиб келарди. Соддароқ айтганда, катта меҳнат ва ҳаражат эвазига яратилган хомашё арзон баҳога соти-

ларди. Ачинарли томони, айнан ўзимиз сотган хомашёдан тайёрланган маҳсулотни ўзимиз бир неча ўн баробар қимматига сотиб олардик. Айни шу ҳолат аксарият соҳа ва тармоқларнинг узоқ йиллар ривожланмасдан, бир жойда депсиниб туришига сабаб бўлди.

Давоми 4-бетда

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ

КўНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИ

сарҳадларимиз хавфсизлиги, тинч-осойишта ҳаётимиз кафолати

Бу дунёда юрт тинчлиги ва фаровонлигидан азиз неъмат, Ватан осойишталигини муҳофаза қилишдан буюк вазифа йўқ. Ҳарбийлар ана шундай жасоратли касб эгалари, осуда ҳаётимиз посбонларидир. Уларнинг ўз юртига садоқат билан хизмат қилишида оиласидаги муҳит мустаҳкамлиги, тақдир ришталарини боғлаган турмуш ўртоғининг эътиборли ва сабр-қаноатли бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 5-бетда

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ “ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Жамоатчилигимиз ва халқимиз билан кенг муҳокамаларда билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат дастури ижросини

самарали, қатъий тартиб-интизом асосида ташкил этиб, 10 кун мuddатда ҳар бир туман, шаҳар ва маҳалла кесимида амалий чора-тадбирларни белгиласин ҳамда кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида мунтазам равишда масъул шахсларнинг ҳисоботини эшитиб боссин.

Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларга Давлат дастурининг бажарилишини туманлар, шаҳарлар ва маҳаллаларга бориб ўрганиш, масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

2. Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг ҳаражатларини тежаш мақсадида, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:

а) барча давлат органлари ва ташкилотларида “Аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш” чора-тадбирлари белгилансин.

Вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари

раҳбарлари 15 кун мuddатда ўз тизимида масофадан туриб, шу жумладан, мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, ундирилаётган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва мuddатларини кескин қисқартириш, шаффофликни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлар билан доимий мулоқот майдончаларини ташкил этиш, ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ўқитиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаб, аҳоли ва тадбиркорларга эълон қилсин;

б) давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 300 тага, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сони эса 570 тага етказилсин;

в) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар,

кексалар ва бошқалар)га миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш йўлга қўйилсин;

г) электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини проактив тарзда кўрсатиш (фуқаро мурожаатини кутмасдан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан) таклифини юбориш йўлга қўйилсин.

3. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформа”сига ўтказилсин ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйилсин.

Давоми 2-бетда

ҚУЁШЛИ ХОНАДОН

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

1 КИЛОВАТТ-СОАТ ҚУВВАТЛИ ҚУЁШ ПАНЕЛИ ҚАНЧА ПУЛИНГИЗНИ ТЕЖАЙДИ?

Фарғона туманидаги “Янги аср” маҳалла фуқаролар йиғинида муқобил энергия — қуёш панелларидан фойдаланиш оммалашмоқда. Аҳоли бу беминнат дастўрнинг ўзига хос қулайлик ва имкониятларидан мамнун.

— Уйимизнинг томига 1 кВт. соат қувватли қуёш панеллари ўрнатиб, энергия олаётганимизга бир йил бўлди, — дейди шу маҳаллада истикомат қилувчи Зоҳибяхон Ғофурова. — Авваллари ҳар ойда 150-200 киловаттдан ортиқ электр энергияси сарфлардик. Янги қурилма ўрнатганимиздан сўнг энергия харажатлари 30-35 фоизга камайдди. Энг муҳими, чироқ ўчиб қолиши билан боғлиқ муаммо буткул барҳам топди. Бизниқидаги шароитга ҳавас қилиб, ўз хонадонида бундай қурилма ўрнатиш истағида бўлган қўшниларимизнинг сафи кенгаймоқда. Яна бир жиҳати, қурилмалар табиий манбадан олинadиган электр энергиясининг керакли қисмини етказиб бериб, қолганини ўзда сақлайди. Ундан исталган вақтда эҳтиёжга қараб фойдаланиш мумкин. Айни кунда тежамкор қуёш электр панелларини тадбиркорлик фаолиятимиздаги озиқ-овқат дўконлари ва маҳсулот сақлайдиган омборларга ўрнатишни ҳам режалаштириб турибмиз.

Давоми 3-бетда



1 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИ КУНИ

ҲАР НАВДА БИР ГУЛДА, ҲАР ГУЛДА БИР РҲЙ...



(Ўзбекистон халқ шоири
Ойдин Ҳожиева хотиралари)

НОРАГИМ ДОВ БЕРМАГАН
УЧРАШУВ

Зулфияxonим деган латиф ва дилбар исм болалик шууримга узоқ йиллар аввал кириб келган эди. Мактаб партасида эканим-даёқ бу нафосатли, ўқтам шоиранинг “Салом сизга, эрқарвар эллар!” шеърини ёд олиб, иштиёқ билан сахналарда айтганман. Сўнг Тошкентга ўқишга келгач, бу

азим шаҳарнинг файзли бир гўшасида Зулфияxonим деган нури, сеҳрли инсон яшашини, аёллар учун чоп этиладиган “Ўзбекистон хотин-қизлари” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаётганини билардим. Бу муқаддас даргоҳга боришга, дунёга таниқли шоира сузуларига муяссар бўлишга интилардим-у, юрагим дов бермас эди...

Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ "ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ"ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Бунда, субсидиялар ажратиш тўғрисидаги аризаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали топириш имкониятини яратиш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва бошқа коррупциявий омилларни бартараф этиш таъминлансин.

4. Фуқароларнинг пенсия таъминоти яхшилаш ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2024 йил 1 январдан бошлаб пенсионерга ҳисобланган, лекин ўз вақтида олинмаган пенсияни тўлаш муддати 12 ойдан 24 ойга узайтирилсин.

5. Ногиронлиқни белгилашда фуқароларга қўшимча энгилликлар яратиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашишни асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади;

б) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири (Б.Мусаев) 2023 йил 1 апрелга қадар ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси лойиҳасини киритсин, унда:

фуқароларнинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасидан келиб чиқиб ногиронлиқни белгилаш амалиётидан воз кечиш, унинг ўрнига жаҳон стандартлари асосида ногиронлиқни белгилашга ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётга ижтимоий мослашуви ва уларнинг соғлигини қайта тиклашга;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматлардаги ахборот технологияларидан, имо-ишора тилидан ҳамда мулоқотнинг бошқа мўқобил шаклларида фойдаланиш имкониятларини яратишга эътибор қаратилсин.

6. "Янги Ўзбекистон" массивларини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2023 йилда:

"Янги Ўзбекистон" массивлари ва 161 та бошқа массивларда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажмлари 1,6 бараварга оширилиб, 90 мингга етказилсин. Бунда, уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситаларининг турароҳлари, шу жумладан, кўп қаватли ва ерости автотурароҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминлансин;

32 минг нафар фуқарога бозор тамойиллариغا асосланган ипотека кредитлари, шунингдек, 11 минг нафар фуқарога бошланғич бадал ва фозиз тўловларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар ажратиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтирилсин;

аҳолини бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган фуқаролар учун Тошкент вилоятида тажриба-синнов тарихида "Менинг биринчи уйим" дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

ҳалқаро ва маҳаллий фонд биржаларида "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖНинг ипотека облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш учун компаниянинг устав

фонди 100 миллион АҚШ доллари эквивалентига етказилсин. Бунда, ипотека облигацияларини жойлаштириш ҳисобига жалб қилинган маблағлар ипотека кредитлари учун ресурс сифатида банкларга жойлаштирилсин.

7. Ташаббусли бюджет амалиётини ҳамда маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун 4 триллион сўм йўналтирилсин;

2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга оширилган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм ажратилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) уч ой муддатда лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва "Очиқ бюджет" порталида тўпланган овозлар асосида молиялаштиришнинг самарали тизimini яратсин ва амалиётга киритсин.

Бунда, овоз бериш жараёнларини холис ва маъмурий аралашувларсиз ташкиллаштиришнинг аниқ механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Таълим сифатини ошириш, соҳани илгор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурлари амалиётга киритилсин.

Бунда: умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида ўқувчиларни илгор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган дарслиқлар бўйича ўқитиш;

5-9-синфларда ўқувчиларга умумтаълим фанларидан таянч билимлар бериш;

10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиши ва қобилиятига мос бўлган ихтисослашган дастурлар асосида билим бериш амалиёти жорий қилинсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул оқват билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Бунда, оқват турлари ўқувчиларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатига кўра меъёрланган ҳолда етказиб берилиши ҳамда санитария талабларига жавоб бериши таъминлансин;

г) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабга таълим қамровини кенгайтириш мақсадида: янги мактабга таълим ташкилотлари фаолиятини кўп қаватли уйлариинг нотурар қаватларида ёки яқна тартибда қурилган уй-жойларни соғаб олиш ва кейинчалик уларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали ташкил этишга руҳсат этилсин;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида ижарага берилган ер участка-

сида нодавлат мактабга таълим ташкилоти биносини қурган хусусий шерик томонидан ушбу бионинг маъмур лойиҳа учун банк кредитлари бўйича гаровга қўйилишига оид чекловлар бекор қилинсин;

д) профессионал таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талабларига мос бўлган малака йўта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида:

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари коллеж ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратилсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа касбий таълим ва касба ўқитиш сифатини таъминлаш тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1 тадан намунавий профессионал таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилсин;

е) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб: профессионал таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкалари мос равишда умумий ўрта таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларига;

профессионал таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган, малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларини тегишинча умумий ўрта таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифали ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ҳамда ўрта махсус маълумотли ўқитувчсининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилсин.

9. Аҳолига бирламчи тиббий хизматлари яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов): 2023 йилда 30 та оливей поликлиника, 110 та оливей шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш;

18-40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳоли профилактика кўридан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларидан ўтказиш;

спинал мушак атрофияси билан касалланган 112 нафар болани дори воситалари билан таъминлаш;

250 нафардан ортиқ заиф эшитувчи болада кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, шунингдек, бундай операциялар ўтказилган 132 нафар болада нутр процессорларини алмаштириш чораларини кўрсин;

б) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилсин. Бунда: вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномалари бериш Навоий ва Сирдарё вилоятлари — 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида — 2024 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклга ўтказилсин.

2024 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни қозғаш шаклда талаб қилиш тақиқлансин;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилсин;

г) 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олиш қўлами 30 миң нафарга етказилсин.

10. Аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи "Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи" умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилсин:

а) аҳолига смартфон ва мобиль иловалар ёрдамида ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилишни ўргатиш, тўғри овқатланиш бўйича мобиль илова яратиш; болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергетиклар, дори воситалари, биологик фаол моддалар рекламасига талаб ва чекловларни кучайтириш;

таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар, шу жумладан, таркибда шаккар, туз, трансжёлар миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, таъм ва ранг берувчи қўшимчалар рўйхатини тасдиқлаш ва уларнинг истеъмолини камайтириш;

маҳаллий маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳар бир ҳавф гуруҳи ва касаллик турлари учун алоҳида-алоҳида соғлом овқатланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, болалар, катталар ва кексалар учун қисқа тўғри овқатланиш бўйича тавсиялар, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпلامини яратиш; иш жойларида ходимларнинг жисмоний тарбия билан шугулланиши ва соғлом овқатланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

11. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқнома амал қилиш муддати давомийда чет эл фуқаролари хориждан олиб келинган шахсий автотранспорт воситасини олиб чиқиб кетиш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган йигимни тўлашдан озод этилсин.

12. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилсин.

Адлия вазирлиги (А.Ташқулов) Бош прокуратура (Н.Йўлдошев) билан биргаликда бир ой муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлиқни маъмурий юрисдикцияга ўтказиш орқали бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида 2023 йилда:

сув ресурсларини бошқаришда узлуксиз тизимни йўлга қўйиш ҳамда сувни тежайдиган рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига сувни етказиб беришдаги табиий йўқотишлар ҳажми 10 фоизгача камайтирилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасини ошириш орқали сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилиши таъминлансин.

Сув хўжалиги вазири (Ш.Хамраев) 2023 йил якунига қадар:

а) сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, зарур ирригация ва мелiorация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали қамида 7 миллиард метр куб сув иқтисод қилинишини ҳамда 300 миң гектар майдонда тақрорий экинларни суғоришга йўналтирилишини таъминлансин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) билан биргаликда: сувнинг ҳисобини очиқ-ошкоро юритиш тизимини жорий этиш мақсадида 13 миңга сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни Давлат бюджетни маблағлари ва халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан молиялаштириш;

16 та йирик насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

14. Адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш борасида қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилсин:

жиноятларни тергов қилиш жараёнида "Хабас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш;

жиноят ишнини судларга айблов ҳулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибинини жорий этиш;

адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича қамида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талабини бекор қилиш.

Олий суд (Б.Исламов) Адлия вазирлиги (А.Ташқулов) ва Бош прокуратура (Н.Йўлдошев) мазкур бандда назарда тутилган масалалар бўйича тегишли қонунлар лойиҳаларининг Давлат дастурида белгиланган муддатларда ишлаб чиқилиб, киритилишини таъминлансин.

15. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини "шаҳар автотранспорт эмас, балки пивдалар учун" гоёси асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманларнинг марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатиға 70 километрдан 60 километргача туширилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2023 йил 28 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Беларус ва Ўзбекистон: ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Мамлакатимиз элчихонаси ташаббуси билан "Беларус ва Ўзбекистон: шەръят воситасидаги дўстлик" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон ва Беларус ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш доирасида уюштирилган ушбу тадбирда Беларус ижодий ҳамжамияти вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалар, шу жумладан, ушбу мамлакатда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбати икки мамлакат халқлари адабиётининг буюк намоёндалари — Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳамда Якуб Колас ва Янка Купала ижодига бағишланди.



ларимизнинг бир-бирига янада яқинлашишига хизмат қилаётганини қайд этди. — Таниқли ўзбек адибларининг асарлари беларус тилига ҳамда

беларуснинг етакчи шоирлари ижоди ўзбек тилига таржима қилинаётгани бунинг яққол далилидир, — деди Елена Стельмах. — Жумладан, Алишер Навоийнинг беларус тилига ўгирилган "Маҳбуб ул-қулуб", Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидаси ва бошқа ўзбек адиблари ижоди беларуслик китобхонларнинг эътиборини қозонмоқда.

Беларус адабиётининг асосчиларидан бири, ёзувчи, шоир ва жамоат арбоби Якуб Колас хотира-ёдгорлик музейи Мутасаддиси, адибнинг чераваси Василийна Мицкевич беларуснинг атоқли намоёндаси ўз оиласи билан 1941 йил июнь ойидан 1943 йилнинг ноябрь ойига қадар Тошкентда яшаганини ва ўзбек халқи ҳамда унинг ҳамкасблари уни дўстона қаршилаганини қайд этди.

— Якуб Колас ўзбек-беларус халқлари ўртасидаги дўстона ва биродарлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига улкан ҳисса қўшган. Айниқса, унинг Ўзбекистон ҳақида ёзган "Ўзбекистон", "Чимён", "Солор" каби

шەърларида икки халқнинг мустаҳкам дўстлиги улуглангани бунга яққол мисолдир. — деди Василийна Мицкевич.

Давра суҳбати давомида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ақс этган видеолаваҳалар намойиш этилди. Талабалар томонидан буюк аждодларимиз қаламига мансуб ғазаллардан парчалар ўқилди ва саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Тадбир якунида Ўзбекистон ва Беларус ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан ўзбек-беларус ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссалари учун Беларус Ёзувчилар уюшмаси, Республика ёшлар маркази ва Олий таълим муассасалари битирувчилари халқаро уюшмаси раҳбариятига мамлакатимиз дипломатия миссияси номидан фаҳрий ёрлиқлар топширилди.

"Дунё" АА Минск

ҚУЁШЛИ ХОНАДОН

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ

1 киловатт-соат қувватли қуёш панели қанча пулингизни тежайди?



Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Шу кунга қадар маҳалла фуқаролар йиғинида намунавий лойиҳалар асосида қурилган 122 хонадон қуёш панеллари билан жиҳозланди. Ушбу хонадонларнинг бир ойлик ўртача истеъмоли 72 минг 500 кВт. соатни, яъни 21,4 миллион сўмлик электр энергиясини ташкил этади. Ўрнатилган қуёш панеллари орқали 48 минг 700 киловатт-соат, бошқача айтганда, 14,4 миллион сўмлик электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилди. Натижада хонадонларнинг бир ойлик электр энергияси истеъмоли 23 минг 780 киловатт-соатгача камайди. Бу умумий ҳисобда 7 миллион сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилиш имкониятини бермоқда.

Маҳалламизда тежамкор электр энергиясидан фойдаланиш истагида бўлган фуқаролар кўпайиб борапти, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилшоджон Каримов. — Айни кунда хонадонларда бўлиб, бу борада Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини юритяптимиз. Уларга қуввати 1 кВт. соатдан 3 кВт. соатгача бўлган қуёш панелларидан фойдаланиш тартибларини яқинда яқинда зарур тушунча ва қўлланма материаллари билан таъминлашми.

Электр энергиясидан фойдаланиш ҳајми йилдан-йилга ортиб бораётган бир пайтда муқобил электр энергиясидан фойдаланиш борасида бошланган ташаббус ҳар жиҳатдан қўлай ва самарали экани билан эътиборни тортади.

Кейинги йилларда аҳоли сони, янги қурилаётган хонадонлар, янги иқтисодий қувватларнинг ишга тушиши электр энергиясига бўлган талабни бир неча баробар оширмоқда. Бу эса электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, тежамкор воситалар ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тақозо этапти.

Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш борасида аниқ режа ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, — дейди Фарғона тумани ҳокими ўринбосари Отабек Абдурахмонов. — Жорий йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик

“КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИШЛАНМАЛАР КўЛАМИ ҲАМ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БУ АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИ, ФЕРМЕР ХўЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ИССИҚХОНАЛАРИНИ МУҚОБИЛ ЭЛЕКТР МАНБАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИНИ ОЧАДИ.

шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғи тўлашдан, улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга ўрнатилган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса, ўн йил муддатга озод этилиши каби имтиёзлар берилгани айни муддао бўлди. Бугунги кунга қадар таъминотчилар томонидан Хитой ва Жанубий Кореядан олиб келинган қуввати 0,6 МВт. бўлган қуёш панеллари 17 та давлат идораси ва ижтимоий соҳа объекти ҳамда 3 та тадбиркорлик субъектига ўрнатилди. Янги лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашда Президентимизнинг жорий йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди. Айни кунда электр энергияси билан боғлиқ тақчилликни қоплаш мақсадида 46 та ижтимоий соҳа объекти ва давлат идорасига умумий қуввати 0,5 МВт. бўлган қуёш панеллари, 2,5 минг литрлик гелиоколлектор ўрнатиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 242 та аҳоли хонадони ва 66 та тадбиркорлик субъектига умумий қуввати 1,3 МВт. бўлган қуёш панеллари, Шохимардон кишлоғининг 3 та ҳудудда лойиҳа қиймати 90,6 миллиард сўм бўлган 4 МВт.ли кичик ГЭСлар, фойдаланишга топширилган 10 та кўп қаватли уйларда жами қуввати 0,2

“Кўкон шамоли” номи билан машҳур табиат ҳодисаси бу борада катта имкониятларга эга. Шамолнинг бошланиш жойи Бешарик тумани ҳисобланади. У 32-35 м/с тезлик билан йилга ўртача 40 кун эсади. Бундан ташқари, Кўкон шаҳрига яқин жойлашган туманларда паст 3-5 м/с тезликда сувчи шамоллар давомийлиги йилга 90-120 кун. Бу шамол электр тизимларидан фойдаланиш орқали ҳудудларнинг электр энергиясига бўлган талабини маълум даражада камайтиришга ёрдам беради. — Шамол энергиясидан фойдаланиш йўналиши тез ривожланаётган соҳалардан бири, — дейди Фарғона

борилипти. Бу лойиҳа мавжуд электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган турбиналарни максимал қувват ва тежамкор режимда ишлатиш имконини беради.

Бундан ташқари, “Яшил иқтисодиёт” ва XXI аср барқарор иқтисодий тараққиёт асослари бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишда. Шу мақсадда “ALL Solar” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қурилмалар харид қилинди. Айни кунда умумий қуввати 13 кВт. соатга тенг бўлган 3 та қуёш батареяси, соатига 10,3 кВт. электр энергияси ишлаб чиқарувчи қуёш панели токида иш-

уйрмалли микро ГЭСлар қуриш лойиҳаси тарғиб этилмоқда. Бу лойиҳа сув миқдори кам бўлган ўзлашларда ҳам арзон ва экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаришда кўл келади.

— Вилоятимизда муқобил электр энергияси ишлаб чиқариш орқали истеъмолчиларнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида катта имкониятлар мавжуд, — дейди Фарғона политехника институти профессори, техника фанлари доктори Сирожиiddин Эргашев. — Биргина “Сирдарё-Сўх” ирригация тармоқлари ўзининг ўзидан 200 дан ортиқ микро ГЭСлар курси бўлади. Бундан ташқари, “Қулаш”, “Водил”, “Болтақул”, “Қува” ГЭСлари фаолиятини тиклаш орқали муқобил электр энергияси ишлаб чиқариш чоралари қуриляпти.

Кейинги йилларда Фарғона политехника институти олимларининг амалий изланишлари туфайли ҳаётга табиқ этилаётган илмий ишланмалар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу аҳоли хонадонлари, фермер хўжаликлари ва томорқа иссиқхоналарини муқобил электр манбалари билан таъминлашда янги имконият эшикларини очади.

Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан оқиб ўтувчи Катта Фарғона каналида амалга оширилди. Бу ерда микро ГЭС фойдаланишга топширилди. Лойиҳага 1 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 200 дан ортиқ хонадонни арзон ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди.

— Лойиҳанинг афзаллиги шундаки, у қайта тикланувчи манба ёрдамида ишлаётгани сабабли таъминот билан боғлиқ узилиш ва кучланишлар қузатилмайдми, — дейди тадқиқотчи олим Доғийёр Ботиров. — Микро ГЭСимиз тўрт қисмдан иборат бўлиб, асосий қисми турбина ва магнитли паст айлинишли генераторлар, электрон блоklar ва электр энергиясини электр тармоғига узатиб берадиган инвентарлардан иборат. Микро ГЭС уч босқичда ишлаб, қунига 1 минг 200 киловатт электр энергиясини тармоққа ташлаб беради.

Соатига 150 қувватда ишлаётган қурилмадан ҳозирда қўшимча манба сифатида фойдаланилмаяпти. Синов жараёнида яқунланган, истеъмолчилар умумий тармоқдан узлиб, фақат гидро электр станцияси орқали электр энергияси билан таъминланади.

Фарғона вилоятидаги 875 904 истеъмолчига йил давомида 5 миллиард 319,7 миллион кВт. соат электр энергияси етказиб берилади. Аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектилари, шунингдек, улгуржи истеъмолчи биноларга муқобил энергия ускуналарини ўрнатиш ҳисобига электр энергияси сарфини сезиларли равишда қисқартириш мумкин.

— Айни кунда вилоятимизда “Қуёшли хонадон” лойиҳаси асосида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида амалий ишлар олиб бориляпти, — дейди “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ матбуот котиби Абдувахоб Турдиев. — Шу кунга қадар 3134 та объектга 5,9 МВт.ли қуёш электр панеллари ўрнатилиб, ишга туширилди. Шунингдек, “Klinter Insaaf ve Enerji” компанияси билан ишлаб чиқарилаётган инвестицион лойиҳа доирасида экологик тоза технологияларни табиқ этган ҳолда, қичқиндани қайта ишлаш орқали энергия ишлаб чиқариш қўзда тутилмоқда. Қиймати 170 миллион евро



Шерзод Қорасоев олган суратлар.

тўғри инвестицияси ҳисобига умумий қуввати 100 МВт. бўлган қуёш фотозлектр станцияси қуриш бўйича меморандум имзоланди.

“АҚЛИ” ЛОЙИҲАЛАР

Муқобил энергиядан фойдаланишда катта имкониятлар бор. Қўлай географик жойлашув, йилнинг ўртача 320 кун қуёшли экани, юқори даражадаги илмий салоҳият шамол ва қуёш энергетикаси учун зарур қурилмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермоқда.

политехника институти энергетика факультети докторанти Бекзоджон Бойназаров. — Бу энергиянинг йиллик потенциали 2,2 миллион тонна нефть эквивалентига тенг. Ҳозирги кунда шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида қуввати 3 кВт. бўлган шамол электр станцияси ишга туширилиб, техник имкониятлари синовдан ўтказилмоқда.

Шамол энергиясидан фойдаланиш қурилмаси аҳоли ва кичик ишлаб чиқариш тармоқларининг арзон электр энергиясидан фойдаланишлари учун хизмат қилади. Қурилманинг техник кўрсаткичларини синаш жараёни тугаллангандан сўнг кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилади. Паст айлинишдан юқори қувватда энергия ишлаб чиқарадиган, шунингдек, светофор ва йўл чироқларини доимий электр энергияси билан таъминлайдиган генераторлар яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида ҳам лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

“Фарғона иссиқлик электр маркази” АЖ нафақат вилоятда, балки республика энергетика соҳасида ҳам ўз ўрнига эга. Корхонанинг фаолият тури электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ҳисобланади. У ўрта Осиё ягона энергия тизимига улганган. Ишлаб чиқарилган электр энергияси 4 та 110 кВт. тизимли ҳаво линиялари орқали узатилади.

Бу ерда электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулот таннархини камайитиришда муқобил энергиялардан фойдаланиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилляпти. Натижада кам харажат қилган ҳолда кўп ва сифатли электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди.

— Утган икки йилда 7 МВт. ҳамда 17 МВт. қувватга эга газ-турбина қурилмалари ишга туширилди, — дейди жамият бош директорининг маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот-технология масалалари бўйича биринчи ўринбосари Бахтиёр Эгамбердиев. — Замонавий, юқори самарали ва тежамкор 17 МВт. қувватга эга газ-турбина ускунаси бир соатда 17 минг кВт. электр ва 19 Гкал. иссиқлик энергияси ишлаб чиқаради. Фарғона водийсида электр энергияси танқислигини бартараф этиш йўналишида қўйилган илк қадамлардан бири бўлган мазкур лойиҳа электр энергияси қувватларини ошириш ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш, тармоққа қўшимча энергия узатиш имкониятини яратди. Натижада электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш миқдори сезиларли даражада ошди, йилга 3,2 миллион куб метр табиий газ тежаб қолиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш, тармоққа қўшимча электр энергияси узатиб беришни ташкил этиш мақсадида амалдаги турбогенераторларга қўшимча 50 МВт. қувватга эга “К-50-1.3” улганган турбина лойиҳасини амалга ошириш юзасидан амалий ишлар олиб

лайдиган чироқлар, 75 кВт. қувватга эга бўлган 3 та насос ускунасига частота ўзгартирич қурилмаси ва умумий сийғими 200 литр бўлган қуёш сув иситкичи ишга туширилди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари барқарор ишламоқда. Улар ишга туширилгандан буён жами 280 минг кВт. соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу йўналишда янги истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, амалиётга жорий этиш борасида изланишлар олиб бориляпти, — дейди “ALL Solar” компанияси ишлаб чиқариш-техник бўлими бошлиғи Илҳомжон Хўжаев.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, дунёда 1 квадрат метр майдон учун энергия сарфи йилга 120-150 кВт.соатни ташкил этади. Мамлакатимизда эса худди шунча ҳажмдаги майдон учун 390 кВт.соат энергия сарфланмоқда. Келгуси йўл-ўн беш йилда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларида электр энергиясига бўлган талаб икки баробар кўпайиши инobatга олинса, нафақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки барча соҳада энергиятежамкор воситалар ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш талаб қилинади.

САМАРАЛИ УСУЛЛАР

Қува тумани Толмозор маҳалласи ҳудудидан ўтувчи Жанубий Фарғона канали ўзанида соатига 300 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ГЭС қуриш ишлари поёнига етди. Янги қувватларнинг ишга туширилиши аҳоли ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини арзон ва сифатли электр манбаи билан таъминлаш имконини беради. Бу ерда



сувнинг оқиши ҳисобига айланадиган чархалакдаги махсус қурилма поршенлар ҳаракатини таъминлайди ва сувни 70 метр баландликка кўтариб беради.

Янги қурилма тумандаги “Баҳор” фермер хўжалиғи билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа бўлиб, электр тармоқлари етиб бормаган ҳудудларда ҳам экинларни сўғориш, ҳосилдорлиқни оширишда яхши самара кўрсатади. Бундан ташқари, Қувасой шаҳридан оқиб ўтган Исфайрамсойда

бўлган корхона ишга туширилгач, қунига 52 МВт. электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Хулоса қилиб айтганда, водийда, жумладан, Фарғона вилоятида муқобил энергия ишлаб чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш борасида катта имкониятлар бор. Бунинг учун қўлай географик жойлашувдан, қуёшли кунлардан, шамолдан, юқори даражадаги илмий салоҳиятдан тўғри фойдаланилса кифоя.

Муқобил энергиядан фойдаланишда катта имкониятлар бор. Қўлай географик жойлашув, йилнинг ўртача 320 кун қуёшли экани, юқори даражадаги илмий салоҳият шамол ва қуёш энергетикаси учун зарур қурилмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермоқда.



ШАМОЛНИ “ЖИЛОВЛАШ”

Шамол энергиясидан фойдаланиш деярли янги йўналиш ҳисобланади. Фарғона водийси иқлим шароитида бу муқобил электр ресурсларини “жиловлаш” ва ундан самарали фойдаланишда ўзига хос имкониятлар бор. Айниқса,



АГРОТАРМОҚ

Қўшилган қиймат занжири

асл даромад мана шунда

Бошланчи 1-бетда

Қачонки, Ўзбекистон хомашё экспортдан воз кечиби, ундан қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга устуворлик бера бошлаганидан кейин "турғунлик" барҳам топиб, ривожланиш йўли бошланди. Қўшилган қиймат занжири яратиш бир томондан, мамлакатимизнинг ҳақон бозорида ўз миллий бренди билан мустақам ўрин эгаллаши, инвестицион жозибадорлигини ошириш, экспортдан валюта тушумларини кўпайтиришга замин яратаятган бўлса, бошқа томондан, барпо этилаётган янги ишлаб чиқариш қувватлари, яратилаётган бир неча юз минглаб янги иш ўринлари ҳисобига аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилаяпти. Бир сўз билан айтганда, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш жараёни иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлаш йўлидаги энг муваффақиятли ислоҳотлардан бири бўлмоқда.

Биргина қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғини олайлик. Узоқ тарихга мурожаат қилишга ҳожат йўқ, бундан 6-7 йил аввал ҳам пахтачиликка алоқаси бўлмаган ташкилот ходимлари бир ой-қирқ кунлаб теримга, баъзан чоқиқча чиқарди. Ҳақарчиларга ойлик даромадимишдан ихтиёрий-мажбурий "хомийлик" қиларди. Жилла курси, мавсумга жалб этилган тиббиёт, жамоат транспорти, чекланган тўй-маърақаю бозорлар муаммосидан азият чекарди. Бугун-чи?!

Дарҳақиқат, бугун ушбу тармоқда мавжуд ҳолат, ривожланиш истиқболлари ва шунга яраша имконият, миришкорлар ҳам бутунлай бошқача. Келинг, шу ўринда фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим рақамларни келтириб ўтас.

Авалло, мажбурий меҳнат омиллари қисқа давр ичида тўлиқ бартарф этилди. Пировардида, "Cotton Campaign" коалицияси томонидан узоқ йиллар давом этган "пахта бойкоти" бекор қилинди. Ўзбекистон яқин пахта етиштирувчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Шунга нима бўпти, дейишга шовилманг. Чунки мана шу биргина омилл, биринчидан, пахта хомашёси ва ундан тайёрланадиган трикотаж маҳсулотлари экспортга тақинири олиб ташланишига асос бўлди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишдаги корхона

наларга дунё бозорига кенг йўл очиб орқали уларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиради. Иккинчидан, дунё тан олган машҳур брендларнинг юртимизга кириб келиши, бошқача айтганда, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилишга кенг шароит яратди.

Кластерлар фаолиятининг йўлга қўйилиши туфайли пахта далалари қисқартирилишига қарамай, ҳосилдорлик ошди, замонавий технологияларга асосланган тўқимачилик корхоналари сони кескин кўпайди. Эътиборли жиҳати, бундай корхоналар бошқа саноат корхоналарига нисбатан кўп иш ўрни яратиши, демакки, кўпроқ оилагара мўкин даромад манбаи бўлиши, камбағалликни қисқартиришга катта ҳисса қўлиши билан янада аҳамиятли.

Президентимиз Бухоро вилоятига таширфи чоғида фаолияти билан танишган Шофиркон туманидаги "Бухара Азтекс" тикувчилик корхонаси ҳам ана шундай корхоналар сирасига қиради. Ушбу корхонани соҳадаги янгилашиллар, тадбиркорларга яратиб берилаятган қулай шароитлар самарасининг ёрқин маҳсули, дейиш мўкин. Чунки бу туманда яқин-яқингача умуман саноат йўқ эди. Кластер тизими йўлга қўйилиши натижасида бу ерда нафақат саноат пайдо бўлди, балки жадал ривожланиш бошланди.

Пахта етиштириш ва уни қуқур қайта ишлашнинг тўлиқ занжири йўлга қўйилиб, минг нафардан ортиқ юртдошимиз иш, бошқача айтганда эса мўкин даромад манбаи билан таъминланган. Корхонада йилга 16 миллион дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Кўриниб турибдики, биргина ушбу лойиҳа ҳисобига бир томондан, минглаб юртдошларимиз турмуш шароити яхшиланыпти, бошқа томондан эса экспорт ва аҳоли даромадлари ошиши ҳисобига туманда хизмат кўрсатишни ривожлантириш, янги лойиҳаларни амалиётга татиқ этишга ҳам замин яратилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ривожланиш ишдадига мос равишда толани қайта ишлаб 2,5 баробарга оширилиб, 100 фоизга етказилгани энг катта ютуқларимиздан биридир. Ваҳоланки, беш йил аввал толани қайта ишлаш ҳажми 40 фоизни ташкил этарди. Шунингдек, 2021 йилда ип-калага ишлаб чиқариш

ҳажми 2 баробарга, тайёр маҳсулот эса 3 баробарга ортди. Пировардида 2022 йилда тўқимачилик корхоналари



томонидан ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 9 фоизга ошиб, 80 триллион сўми ташкил этди.

Очилиб, бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мўкин. Лекин ушбу йўналишда ютуқларимиз билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ўтган йил мавсумида кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида пахта хомашёси нархини белгилашда айрим тушунмовчиликлар кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш учун тезкор чоралар қўриш, хусусан, кластерлар ва фермер хўжаликлари муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласини долзарб вазифа ўлароқ кун тартибига олиб чиқди.

Президентимизнинг 2023 йил 26 январдаги "Пахта хомашёсини етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чоратadbirlари туғрисида" қарори шу каби пахта етиштириш ва қўшилган қиймат занжири яратишдаги тизимли муаммоларга ечим бўлди, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Соатмурод Қулмурзаев. — Алоҳида таъкидлашимиз керакики, харид қилиш ва етказиб бериш бўйича томонлар ўртасида

шартномалар тузилишида қатор бюрократик тўсиқлар ва ноқонуний арашувлар мавжуд эди. Қарор билан



томонлар ўртасида фьочерс шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва мониторинг қилишнинг шаффоф тизими яратилмоқда. Эндиликда ҳар йили 1 октябрга қадар келгуси йил ҳосили учун фьочерс шартномалари тузилиб, солиқ органларининг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиладиган ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг "Агроплатформа" ахборот тизимига интеграция қилинади.

Пахта хомашёсининг харид нархини белгилашда кластерлар ва фермерлар ўртасида турли эътирозлар юзага келаётган эди. Мазкур қарор билан эса бу муаммога ечим белгиланди. Яъни вазирлигимиз Ёнью-Йорк биржасида пахта толасининг ўртача ойлик фьочерс котировкалари таҳлилини ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради. Бу томонлар пахта хомашёсининг харид нархини ўзаро манфаатли келишув асосида ҳисоб-китоб қилишига асос бўлади.

Қарор билан, шунингдек, эндиликда пахта-тўқимачилик кластерлари бўнақ маблагларини ишлаб чиқарувчилар билан келишув асосида пул ва моддий ресурслар шаклида амалга ошириш имконияти яратилмоқда. Уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш мате-

риаллари транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бериледи ва кунлик электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали расмийлаштириб борилади.

Бугунги кунда лазерли ер текислаш пахта ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг структурасини яхшилаш, айниқса, 20 фоизгача сув тежашда фойдали ҳисобланади. Лекин ушбу замонавий техника нархи қиммат. Шу сабабли кластерлар ва пахта етиштирувчиларда ушбу турдаги техникалар етарли эмас.

Эътиборли жиҳати, қарор билан 2023 йилдан бошлаб сотиб олинган лазерли ер текислагич агрегатлари қийматининг 30 фоизи давлат бюджетидан қўллаб берилиши белгиланди.

Мана шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, шу билан бирга, тақчилликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бу каби имтиёзлар, яратиб берилаятган қулай шароит натижасида кластерлар томонидан мавжуд хомашёга нисбатан тола ишлаб чиқариш ҳажми 140 фоиз, ип-калага ишлаб чиқариш эса кластерлар ва бошқа тўқимачилик корхоналари ҳисобига 100 фоиздан ошиши режа қилинмоқда, — дейди С.Қулмурзаев. — Айни пайтда ип-калагадан мато тўқиш, матони бўяш ва пардозлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Шундан келиб чиқиб, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавжуд қувватлар ва амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг барча қайта ишлаш босқичларида бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда, пахта-тўқимачилик кластерлари билан тузилган тўрт томонлама битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиди. Шунингдек, қарор билан пахта ва галла етиштирувчи фермерларнинг барча солиқлар бўйича ҳисобланган ҳамда тўланмаган пенялари ҳисобдан чиқарилмоқда. Бу фермер хўжалиқларининг молиявий ҳолати яхшиланишига замин яратди.

Кластерлар ва пахта етиштирувчилар фаолиятига энг илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш ҳамда мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириб бориш соҳа ривожий йўлидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жиҳат ҳам қарорда назарда тутилган. Жумладан, 2023-2025 йилларда пахта етиштиришда замонавий илмфан ютуқлари, илғор хорижий тажрибаларни фермер хўжалиқларига жорий этиш учун Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва унинг ҳудудий марказларига 20 миллион доллар миқдорига ҳалқаро молия институтлари маблаглари жалб қилиниши белгиланди.

Мухтасар айтганда, ушбу тармоқдаги янгилаш жараёни, қарор билан тақдим этилаётган имтиёзлар — буларнинг барчаси кластерлар ва фермерларимизга катта имконият ҳамда рағбат бериш билан бирга, пахта етиштириш, янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутди.

Президентимиз ҳудудларда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар билан танишиши, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятларга таширфлари домида ушбу йўналишдаги кластерлар раҳбарлари билан мулоқот қилиб, янги ташкил этилган текстиль корхоналари фаолияти билан муносабат танишяпти. Демак, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш саноатига муаммо ва тақчиллар тингланиб, ҳаётбахш қарорлар қабул қилиниши, пировардида, жадал тараққийт йўли бардавом бўлиши шубҳасиз.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 1 гектар экин майдонига ўғит истеъмоли 254,5 килограмми ташкил этади. Бу дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан 74 фоиз, Европа ва Марказий Осиё бўйича ўртача кўрсаткичдан 2,9 баробар юқоридир.

Лекин шуни ҳам ёддан чиқармаслик лозимки, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фойдаланиладиган азотли ўғитларнинг ярмидан камроғи ўсимликларнинг ўсишида ёрдам беради, қолганлари эса самарасиз ҳисобланади. Бошқача айтганда, уларнинг ярмидан кўпи фақат сув ҳавзаларини ифлослантиради, ҳолос.

— Бу каби имтиёзлар, яратиб берилаятган қулай шароит натижасида кластерлар томонидан мавжуд хомашёга нисбатан тола ишлаб чиқариш ҳажми 140 фоиз, ип-калага ишлаб чиқариш эса кластерлар ва бошқа тўқимачилик корхоналари ҳисобига 100 фоиздан ошиши режа қилинмоқда, — дейди С.Қулмурзаев. — Айни пайтда ип-калагадан мато тўқиш, матони бўяш ва пардозлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Шундан келиб чиқиб, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавжуд қувватлар ва амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг барча қайта ишлаш босқичларида бир-бирига боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда, пахта-тўқимачилик кластерлари билан тузилган тўрт томонлама битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиди. Шунингдек, қарор билан пахта ва галла етиштирувчи фермерларнинг барча солиқлар бўйича ҳисобланган ҳамда тўланмаган пенялари ҳисобдан чиқарилмоқда. Бу фермер хўжалиқларининг молиявий ҳолати яхшиланишига замин яратди.

Кластерлар ва пахта етиштирувчилар фаолиятига энг илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш ҳамда мутахассисларнинг билим ва малакасини ошириб бориш соҳа ривожий йўлидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жиҳат ҳам қарорда назарда тутилган. Жумладан, 2023-2025 йилларда пахта етиштиришда замонавий илмфан ютуқлари, илғор хорижий тажрибаларни фермер хўжалиқларига жорий этиш учун Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва унинг ҳудудий марказларига 20 миллион доллар миқдорига ҳалқаро молия институтлари маблаглари жалб қилиниши белгиланди.

Мухтасар айтганда, ушбу тармоқдаги янгилаш жараёни, қарор билан тақдим этилаётган имтиёзлар — буларнинг барчаси кластерлар ва фермерларимизга катта имконият ҳамда рағбат бериш билан бирга, пахта етиштириш, янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутди.

Президентимиз ҳудудларда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар билан танишиши, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятларга таширфлари домида ушбу йўналишдаги кластерлар раҳбарлари билан мулоқот қилиб, янги ташкил этилган текстиль корхоналари фаолияти билан муносабат танишяпти. Демак, пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш саноатига муаммо ва тақчиллар тингланиб, ҳаётбахш қарорлар қабул қилиниши, пировардида, жадал тараққийт йўли бардавом бўлиши шубҳасиз.

Мухтасар айтганда, ушбу тармоқдаги янгилаш жараёни, қарор билан тақдим этилаётган имтиёзлар — буларнинг барчаси кластерлар ва фермерларимизга катта имконият ҳамда рағбат бериш билан бирга, пахта етиштириш, янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, ушбу тармоқдаги янгилаш жараёни, қарор билан тақдим этилаётган имтиёзлар — буларнинг барчаси кластерлар ва фермерларимизга катта имконият ҳамда рағбат бериш билан бирга, пахта етиштириш, янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



Азимжон ХОЛОВ,
Инновацион ривожланиш агентлиги
Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Сирдарё инновацион ҳудудига импорт ўрнини қоплаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати чет элликдан қолишмайди, нархи эса қарийб икки баробар арзон.

Бугун глобал маконда ижтимоий тараққиёт аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатларидан кўра илгарилар бормоқда. Турмуш сифати яхшиланишида билим, инновация ва ғоялар оммалашувининг ҳиссаси катта, албатта. Стартан экотизими бозор талабларига мослашган миллий инфратузилмани ривожлантиришнинг ғоядан то сўнгги истеъмолчига қадар қўллаб-қувватлашнинг асосий босқичларини қамраб олди.

Аҳоли фаровонлигини оширишга асосланган мақсадда ва самарали бошқарув тизимини жорий қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини рағбатлантириш ҳудудларда инновацияларни жорий қилишнинг асосий тамойили саналади. Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги фармони асосида инновацион ҳудудга айланттириладиган туманлар рўйхати шакллантирилган эди. Бу бордадаги ишлар жойларда инновацион экотизимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш баробарида аҳолининг бандлигини муайян даражада оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Сирдарё инновацион ҳудудига мавжуд салоҳият асосида юқори техноло-

гияларни яратиш ва амалиётга жорий қилиш ҳамда иқтисодиётнинг турли йўналишларини илм-фанга асосланган ҳолда ривожлантиришга долзарб масала сифатида қаралади. Соҳаларга инновацион янгиликлар татиқ этилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнлари тақомиллашиб, ресурслар иқтисод қилинади, бозорга янги маҳсулотлар кириб келади, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд муаммолар ҳал этилиб, янги иш ўрни яратилади.

Бунёдкорлик ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этади. Қолаверса, замонавий мезморлик янги, сифатли, арзон, енгил ва зилзилабардош, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб қилиши бор гап.

Мамлакатимиздаги кенг қўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳам қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришни талаб қилади. Демак, соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш асосида маҳсулот тури, сифати, ҳажмини кўпайтириш зamon талаби. Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, дунё мамлакатлари ЯИМнинг 15 фоизи

айнан қурилиш тармоғида яратилмоқда.

Охириги пайтларда корхоналар инновацион фаолиятни кенгайтиришнинг афзалликлари ва самарасини сеза бошлади. Туманда фаолият юритаётган "Ultragrax profit" МЧЖда инновацион декоратив қопламалар, герметиклар, сувдан химояловчи ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу орқали Сирдарё тумани қурилиш саноатида янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиши баробарида ижтимоий дафтарларга киритилган ёшлар иш билан таъминланди.

Йилга 15 турдаги 250 тонна қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона вилоятимизга чет элдан келтириладиган қиймати 100 миң долларлик 67 тонна импорт ўрнини қоплаш имкониятини яратди.

Сирдарё ички бозоридидаги декоратив қопламаларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари Италия компаниялари ҳисобланади. Импорт ҳисобига келтирилган маҳсулотларни олиб юрғача 1 литр учун 600-650 миң сўм атрофида. Маҳаллийлаштириш доирасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот нархи эса тахминан 350 миң сўмни ташкил этади.

Охириги 3 йилда ички бозорларимизга ўртача 200 тонна гидроизоляция маҳсулотлари олиб кирилган, ушбу турдаги маҳсулотларнинг 1 литр учун ўртача нархи 750-800 миң сўмни ташкил қилади. Корхонада лойиҳа доирасида ишлаб чиқариладиган худди шундай маҳсулот эса харидорларга 520-540 миң сўм атрофида сотилмоқда. 420-450 миң сўмдан баҳоланаётган мастика маҳсулотлари-



ни эса маҳаллий корхона 200-220 миң сўмдан савдога чиқармоқда. Сифати кафолатланган маҳсулотларни мўқобиллари нисбатан арзон нарҳда бозорга етказиш замонавий иқтисодиётнинг дастлабки ва асосий талабларидан биридир.

Маҳаллий олимлар томонидан яратилаётган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш билан бир қаторда, юртимизда хориждаги тайёр технологиялар трансферини амалга оширишга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда.

Аваллари кўпчилигимизда маҳаллий маҳсулотнинг сифатига нисбатан салбий қараш бор эди. Сўнгги вақтларда мана шу тушунча ижобий томонга ўзгарган. Инновацион ҳудудларда технологиялар трансфери ҳамда маҳаллий хомашёдан

СИФАТЛИ ВА ҚАРИЙБ ИККИ БАРОБАР АРЗОН



фойдаланиб, сифати импорт қилинаётган турдошидан кам бўлмаган маҳсулот яратишга қаратилган эътибор ишончлигини мустаҳкамламоқда.

ФА Умумий ва ноорганик қимё институти билан ҳамкорликда озиқ-овқат саноати, тўқимачилик саноати учун ранг берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мамлакатимизда бундай жиҳозлар ишлаб чиқарувчилар сони кўп эмас. Ички бозорда импортнинг улushi катта. Лойиҳани амалга ошириш натижасида инновацион ва импорт ўрнини босувчи турли ранг берувчи 10 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойиҳа доирасида янги иш ўрни яратиши билан бирга, ходимлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ҳам

ташкил қилинган. Ички бозорда ранг берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Финляндия, Россия ва Германия компаниялари ҳисобланади.

Финляндиядан олиб келинадиган колер пасталар нархи 1 миллион 400 миң сўм атрофида. Инновацион ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот эса 450 миң сўм атрофида тақлиф этилмоқда.

Худуд салоҳиятидан келиб чиқиб, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашга қаратилган қатор лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси маъий чикиндиларнинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатишмоқда. Сирдарё инновацион ҳудудида анор данагидан ёғ ишлаб чиқариш стартан лойиҳаси амалга оширилмоқда. Хусусан, "Анор ёғи Сирдарё" корхонаси йилга 2 миң 500 литр ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга. Ушбу турдаги маҳсулотга Туркия, Хитой ва Европа давлатларида эҳтиёж катта.

Бундан ташқари, узум уруғидан ҳам ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, "Бунёд годд" МЧЖ томонидан йилга 500 тонна узум данагидан 50 тонна ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр маҳсулотнинг 60 фоизи экспортга йўналтирилган.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш иқтисодиётни ривожлантиришни таянч йўналиши сифатида қаралади. Ички талабни ўрғаниб, импортни таҳлил қилсак ва ресурсларни аниқлаб, янги лойиҳаларни ишлаб чиқасак, муваффақиятга эришишимиз осон бўлади. Бу борда эса инновацион ҳудудлар ташкил этилиб, зарур инфратузилма яратиб берилгани аини мудабо бўлаяпти.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ

КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИ

сарҳадларимиз хавфсизлиги, тинч-осойишта ҳаётимиз кафолати



Бошланғич 1-бета

Шу боис, мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг оилави шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Фақат сўнгги бир йилнинг ўзига 3 мингдан ортиқ ҳарбий уй-жой билан таъминланди, салкам 2 минг ҳарбий хизматчининг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун имтиёзли тавсиянома берилди, 4 мингдан зиёдининг турмуш ўртоғи касбга ўқитилиб, ишга жойлаштирилди, 1250 ҳарбий пенсионер бандлиги таъминланди.

Президентимиз жорий йил 13 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига яна бир бор эътибор қаратди. Улар учун ипотека асосида қўп қаватли уйлар қуриш, ҳарбий хизматчилар пенсия таъминотини тартибга солиш, ҳарбий тиббиёт муассасалари шароитини яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳарбийларнинг аёлларини номарказларда тадбиркорликка ўқитиб, сўнг имтиёзли кредит ажратиб, иш бошлашига қўмаклашиш бўйича ишлар қилинмоқда.

“ШУНДАЙ ОИЛАМ БОРЛИГИДАН ФАХРЛАНАМАН”

— Тўйдан сўнг деярли 10 йил турмуш ўртоғим қайси вилоятга хизматга жўнатилса, тўрт боламини бағримга босиб, кўч-қўронимизни кўтариб ижарада яшаш юрдиқ. — дейди подполковник Музаффар Авлаевнинг турмуш ўртоғи Дилфуза Азимова. — Бировларнинг уйда яшаганимиз учун ҳадиқсираб турардик. Олий маълумотли педагог бўлсам-да, севган касбим бўйича ишлашга имконим бўлмаган. Талабалик давримда Чирчиқ дарёси бўйида яшайдиган амакимининг уйда туриб, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетига қатнаб таҳсил олганман. Саҳарлаб йўлга чиқиб ўқишга келардим, ўқишдан сўнг контракт пулимага ёрдам бўлсин, дея қандолат цехида ишлардим. Кейинчалик инглиз тилидан репетиторлик қилдим. 2013 йилда ўқишни тугатдим. Биз ўқиган даврда талабаларга бугунги имкониятлар йўқ эди.

Сўнгги йилларда нафақат ҳарбийларга, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам қатор имтиёз ва тўқис шароитлар яратиб берилаяпти. Бу ислохотлар самарасини ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Ҳарбий хизматчилар учун похтаимизнинг Аҳмад Яссавий маҳалласида қурилган янги уйлардан бирига — уч хонали квартирага кўчиб ўтдик. Ниҳоят, ўз бошланғичимизга эга бўлдик.

Янги уйимиз ертўласидан фойдаланишга рухсат берилганидан кейин бу ерда ўқув-соғломлаштириш маркази ташкил қилдик. Бунинг учун банкдан 50 миллион сўм кредит олиб, марказни жиҳозладик. Ҳозир ўқув марказида фитнес хонаси, мактабга-ча тайёрлов курси, таъқвондо каби 12 йўналишда хизмат кўрсатаяпмиз. Яқин кунларда 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига спорт анжумлари сотиб олмақчимиз.

Утган йили докторантурага қабул қилдим, бугун Тошкент архитектура-қурилиш университетига ҳам ишлайман. Турмуш ўртоғим ҳам илмий тадқиқот ишини давом эттиряпти.

Дилфуза билан суҳбатлашар эканмиз, йўл халтаси доим тайёр турувчи ҳарбийнинг хотини бўлиш унчалик ҳам осон эмаслигини сездик. Йиллаб, ойлаб ота-онаси ва жигарларидан олисда бўладиган ҳарбийликнинг машаққатини эри билан тепла-тенг тортаётган аёлларга яратиб берилаётган энгилликлар саодатли кунлар калити бўлиб уларга имкониятлар эшигини очмоқда.

Дилфузанин ҳарбий йиғитга турмушга чиқиши ҳам қизиқарли кинога ўхшайди. Чунки у сўзлаётган воқеалар ҳаётдан нолиб, арзимаган сабаблар билан ажрашишга шайланаётган баъзи эр-хотинларга ибратдир.

— Қашқадарнинг Яққабоб туманиданмиз. Турмуш ўртоғим билан бир қишлоқда воёга етсак-да, бир-биримизни суратимиз орқали таниганмиз. Илк учрашувга бўлажак турмуш ўртоғим кела олмайди. Бир неча кундан



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

сўнг қуда томон яна учрашув вақти ва соатини белгилаб, ота-онамга хабар берди. Ҳаяжон билан атайлаб кечиб, айтилган жойга етиб бордим. Минг афсуски, куёв бу сафар ҳам келмади. Менга пойлоқчилик қилиб юрадиган дўгоналаримга гап топилди: “Ана энди аниқ бўлди, унинг севгани бор ёки сенга уйланиш нияти йўқ. Йўқса, минг иши бўлса ҳам, етиб келарди. Тўйни тўхтат, ҳарбий бўлса ўзига”. Уша дам дўгоналаримдан уялганимдан бир сўз демай, ҳовлимизга қараб чолиб кетдим, уйга қандай етиб келганимни билмайман. Онам ҳовлиқиб олдимга келди-ю, нима гаплагини сезгандай, ерга қараб жим ўйлабди қолди. “Онажон, отамга айтинг, учрашув бўлмади, энди тўй ҳам бўлмайди”, деган гапим оғзимда қолди, дарвозамизни кимдир тақиллатди. Онам дарвоза томон кетди ва

уйланаётган бўлсангиз, очик гаплашайлик. — Мен кўп ваъдалар бермайман, лекин сизни бахтли қилиш учун ҳаракат қиламан, — деди у. Тўйимиз бўлди. Қизиғи, куёв тўйга бир кун қолганида келган. Йиллар ўтиб тушундимки, ҳарбийлар Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида нафақат ўздан, ҳатто оиласидан ҳам кечиб, жонини фидо қилиб яшашга тайёр экан. Мен шундай оилам борлигидан фахрланаман!

АЁЛ УЧУН АСЛ БАХТ

— Турмуш ўртоғим ҳарбийликни юртни ҳимоя қилишга бағишланган ҳаёт, дейди. Аслидаям шундай, лекин ҳарбий эркак билан бир оилада

тинч бўлсин, илоҳим, болаларимнинг отаси Аллоҳга омонат”, деб ўтираман. Аслида, аёл киши учун бахт ўз оиласи бағрида хотиржам ҳаёт кечиршидир, — дейди Тошкент ҳарбий округи қўшинларида хизмат қилаётган 3-даражали сержант Аскарвали Уматовнинг турмуш ўртоғи Сурайё Сайдалиева.

Дарҳақиқат, ҳарбийлар қаерга жўнатилса, ўша ерда яшашга, керак бўлса, ўз жонини юрт ҳимоясига бағишлашга тайёр инсонлар. Шунинг учун ҳам уларни Ватан ҳимоячиси, юрт посбони, деб улуғлаймиз. Оиласи тинч, қўли ҳоловатли эркакнинг ишида унинг, барака бўлади.

Сурайё Сайдалиева замонамизнинг ишбилармон аёлларидан бирига айланиб улгурган, 30 дан зиёд шогирди бор. Қишининг изғиринли ҳавосида ҳам кўп қаватли уй ертўласида очган тикув цехида қўли-қўлига тегмай ишляпти. Жараёни кузатар эканмиз, унинг меҳнатсеварлигига тан бердик. Биз совуқдан қунишибгина кирган тикув цехида Сурайё ва шогирдлари яйраб ишляпти.

— Совуқ, иссиқ, қор, ёмғир деган сўзлар бизга ёт, мослашиб кетганмиз. Ишлайман деган одамга на совуқ ва на иссиқ чикора, дерди онам раҳматли, — дейди Сурайё.

Уларга 2018 йилда Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги Олмос маҳалласида ҳарбийлар учун барпо этилган шаҳарчадаги кўп қаватли уйлардан хонадон насиб қилди.

Асли бекободлик Сурайё оилада 10 фарзанднинг саққизинчиси, Аскарвали билан аҳду паймон қилиб турмуш қурган. Отаси тўйдан кейин қизига оқ фотиҳа бериш чоғида бундай деган экан: “Қизим, ҳарбийлик қийин касб. Эринг ойлаб ёнингда бўлмаслиги мумкин. Айтмоқчи бўлганим, сен иродали ва матонатли бўл. Эрингни ҳурмат қил, ҳеч қачон юзига тик боқма, чунки у — Ватан ҳимоячиси”.

Суяги меҳнатда қотган деҳқон қизи бугунги кунгача отасининг бу ўғитини ҳаёт шioriга айлантириб яшаб келмоқда.

— Тўйимиз бўлганига яқинда 19 йил тўлди. Тўйдан кейин 3 йил фарзандли бўлмадик, одамлар қанча гап-сўз қилди. Бир кун эримга “жавобимни беринг, сизни фарзандли қила олмайман, бахтли бўлишингизни истайман”, деганман. “Менинг бахтим сенсан, агар фарзандсизлик пешонамизга ёзилган бўлса, бунга ҳам розиман, ёнимда бўлсанг бўлди”, деди. Шу гапнинг қудрати билан ҳар қандай қийинчиликда ҳам ҳаётимдан нолимаганман. Аллоҳим бағримизни бўш қўймай, бир ўғил ва бир қиз фарзанд бериб сиёлади. Ҳозир ўғлим саққизинчи, қизим бешинчи синфда ўқияпти. Утган йиллар давомида кўп ижара уйларни алмаштириб яшадик. Уй эгаларининг талаб ва инжиқликларига чиддик.

Педагог бўлсам-да, чеварликни яхши кўраман, бу она касб, шу учунми, тикувчиликка ихлосим баян бўлган. Бугунги кунда эркаклар учун костюм-шим, аёллар либоси, парда ва бошқа нарса-лар тикамиз. Имтиёзли кредит олишга ҳужжатларимни тайёрлаб, банкка топширдим. Худо хоҳласа, кредитни олишим билан энг замонавий машиналар сотиб оламан, цехимизни жиҳозлайман. Тиккан маҳсулотларимизни ички

онам берган тарбияга таяниб, ҳеч қачон уйдаги гапни кўчага чиқармадим. Ҳаётнинг қутилмаган зарбалари мени кучли ва ўзига ишонган аёл қилиб улғайтирди, — дейди Ниғора. — Тўғриси айтсам, тадбиркорликни бошлашга астойдил киришсам-да, ҳужжат тўғрилашда, жой олишда қийинчиликлар бўлган. Лекин орта чекимдими ва мақсадимга етдим.

Ниғора Йўлдошева Ангрэн шаҳри ҳокимлиги кўмаги билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб очган нодавлат мактабга-ча таълим ташкилотига бугунги кунда 50 ҳарбийнинг болалари ментал арифметика, инглиз тили, бадиий гимнастика ва мактабга тайёрлов бўйича таълим-тарбия олмақда. Энг иқтидорли ва билимли мутахассислар ишга жалб қилинган. Ҳарбийларнинг 5 аёлини иш билан таъминлаган.

У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг математика-информатика факультетини тамомлаган. Ҳозир шу университетнинг мактабга-ча таълим факультетидан сирдан таҳсил олмақда. Келажакдаги режалари ҳам бир дунё: ақлида нуқсонли бўлган болалар учун алоҳида

“ **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЖОРИЙ ЙИЛ 13 ЯНВАРЬ КУНИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА ЯНА БИР БОР ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ. УЛАР УЧУН ИПОТЕКА АСОСИДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР ҚУРИШ, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, ҲАРБИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРДИ.**

бозорга, кейинроқ ташқи бозорга ҳам чиқаришни мақсад қилиб қўйганман. Фурсатдан фойдаланиб, газетаниги орқали мен сингари уйли ва ишли бўлган ҳарбийларнинг аёллари номидан, энг аввало, бизга шунча шароит яратиб бераётган Президентимизга катта раҳмат айтмоқчиман.

жой очмоқчи. Бундай қарорга келишининг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Унинг бизга айтиб берган изтиробга тўла ҳикоясини эшитсак-да, ҳозирча бу ҳақда ёзишни истамадик. Чунки бу мавзунинг ўзи алоҳида бир мақола.

Ниғора бир ўғил ва бир қизнинг меҳрибон онаси, оиласининг сариштали



бир оздан сўнг ёнимга келиб, “Қизим, йиғитинг ишхонасида назорат кучли экан, рухсат беришмади, шунинг учун уйдагилари уэр сўраб келибди”, деди. Ҳеч нима демадим. Иши шахсий ҳаётдан ҳам муҳимми? Ёки уйдагилари айтгани учун мажбур уйланоқчи бўлганми, деган фикрлар ўтарди хаёлимдан. Тонгни ухламай оттирдим. Эртаси кун яна учрашув белгиладим. “Очиқ-ойдин гаплашиб оламан, тегаман, деб ўлиб турганим йўқ-ку, шуни билсин”, дея яна учрашувга отландим. Дилгир хаёллар билан белгиланган манзилга етиб бордим. Не кўз билан кўрайки, қувёнинг ўрнида опаси хижолатли қулимсираб турарди. Тилим калимга келмай қолди. Буни сезган бўлажак қайнопам елкамга қоқиб, “Келинжон, минг бор уэр, укам йўлда, икки соатлардан кейин шу ерда бўлади. Сиз хафа бўлманг, деб ўзим келдим”, деди. Опаси нималарнидир тушунтирар, менинг эса на қулғоним эшитар ва на кўзим кўрар эди. Қанча вақт ўтганини билмайман, ўрнимдан шартта турдим-у, бир сўз демай кетавердим. Шу он “Дилфуза, шошманг”, деган уқтам овоз келди. Жойимда туриб қолдим. Қайрилиб қарашга ҳолим йўқ. Куч топиб, жаҳл билан ортимга бурилдим. Қаршимда истараси иссиқ, ҳарбий кийимдаги йиғит ҳеч нима бўлмагандай жилмайиб турарди. Қовғоғимни уйиб, чимирлиб олдим.

ҳамнафас бўлиб яшаётган аёлларга осон эмас. Кўп кунларимиз ёлғизликда, кутиш билан ўтиб кетади. “Юртимиз

“ **Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳарбийларнинг аёлларини номарказларда тадбиркорликка ўқитиб, сўнг имтиёзли кредит ажратиб, иш бошлашига қўмаклашиш бўйича ишлар қилинмоқда.**



“ҒАМХЎРЛИҚДАН РУҲЛАНИБ ЯШАЙМАН”

Ангрэн шаҳридаги “Жасурбек” нодавлат мактабга-ча таълим ташкилоти раҳбари Ниғора Йўлдошева катта сержант Жаҳонгир Ҳасановнинг турмуш ўртоғи. Асли наманганлик бўлган бу ҳарбий оила хизмат вазифаси туфайли деярли 14 йилдан буён Тошкент вилоятида яшайди.

— Ўзбек аёлининг нозик елкалари ҳаётнинг ҳар қандай оғир юкини кўтаришга қодир, агарки, ёнида уни тушунадиган, қўллайдиган мард эркак бўлса, — дейди Ниғора. — Турмушга чиққанимдан сўнг анча қиналдим. Ота-она бағрида ҳеч бир қийинчиликсиз катта бўлган қиз эрга текканидан сўнг турмушнинг мушллари борлигини, уй деворининг уч томонида туз ва фақат бир томонидагина асал бўлишини қайдан ҳам билсин.

Ҳарбийларнинг кийими бунчалар чиройли бўлади, дея ёшлигидан бу касбга қизиққан Ниғоранин тақдирини ҳарбий йиғит билан боғланди. Эрқа бўлса-да, меҳнатдан қочмайди, дангал келинчақнинг бахтига фариштадай мулоқим ва жуда меҳрибон, шифокор қайнона учраши тақдирининг унга аталган инъоми бўлди.

— Раҳматли қайнонам дунёдаги энг яхши оналардан бири эди. Тўғриси, ҳарбийликни бошқача дунё деб тасаввур қилганман. Эр-хотин ўртасида уруш-жанжал бўлмайди, деган гапга ишонмайман. Ахир мутлақо ёт, бегона одамлар бир-бирига кўникиб яшаб кетиши учун йиллар керак бўлади. Эрқа бўлсам-да, оиламизда

бекаси. Сухбатдошимизнинг айтишича, боласини боғчага қўйишга чоғланган ҳарбийлар ва қўшимча иш борми, дея эшик қоқиб келувчи уйда ўтирган аёллар кўп. Шунинг учун келажакда боғчани кенгайтириб, янги иш ўринлари яратмоқчи. Бу борада уни турмуш ўртоғи Жаҳонгир ҳар доим қўллаб-қувватлайди.

Биз ушбу мақолаимизда бугунги изчил ислохотлар сабаб тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб иш бошлаган уч аёлининг ишларини озми-кўпми ёритишга ҳаракат қилдик. Учрашув давомида суҳбатдошларимизнинг ҳеч бири ўз ҳаётидан нолимади. Аксинча, ҳарбий хизматчилар оилалари учун яратилаётган шарт-шароитлар замирида келажакка ишонч, уларнинг бахту саодатга йўғрилган ҳаёти ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Истиқболли ислохотлар туфайли ён-атрофи яхшиликка тўлиб кетгандай, умидли учкунлар шуъласи бутун борлигини қамраб, згулик уруғини онгу шурига синдираётгандай таассуротда эканини баралла ва очик-ойдин айтиди.

Бундан ҳулоса шуки, бугун ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун берилаётган кенг имкониятлар, аввало, Ватан ҳимоячиларининг кўнгил хотиржамлиги учун хизмат қилади, бу эса таҳликали дунёда сарҳадларимиз хавфсизлиги, тинч-осойишта ҳаётимиз кафолати бўлади.

Гулчихра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



1 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИ КУНИ

“ТОНЛАРИНГИЗ КУЛСИН ДОРИЛАМОН, ҲУР”

Сайёра ТҶИЧИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

ҲАР НАВДА БИР ГУЛДА, ҲАР ГУЛДА БИР РҶЙ...

(Ўзбекистон халқ шоири
Ойдин Ҳожиева хотиралари)

Бошланғичи 1-бетда

“Доим шундай чиройли бўлиб юринг!”

“Ҳақиқий аёл бахтини тилайман”

1963 йил. Сентябрь кунларининг бирида мени тахририятга қақириб қолишди. Байрам мушораси ёзилиши керак экан. Танлиқ шоирлар Саида Зуннунова, Эйтиборхон Охунова, Гулчехра Жўраева қаторида мени ҳам мушоирага айтишганидан суюниб кетдим ва ҳаяжондан додираб қолдим. Барчамизга 20 сатрдан шеър ёзишни тайинлашди. Шеърни битиб, йиманибгина тахририятга келдим. Уша пайта журналнинг фидойи, машҳур фотомухбири Борис Мизрохин (уни Мирзо Охун дейишарди) бизни суратга ола бошлади. Бир пайт эшик очилиб, баланд бўйли, хушсуврат, ўқтам, қошлари қалдирғоқ қанотидай, назокатли Зулфияxonим кириб келди. Бизни зеҳн билан кузатиб, кўзлари билан эркалади. Менга алоҳида меҳр билан боқиб, қўлимга қалам тутказиб қўйди. “Сиз қалам билан тушинг, — атлас кўйлақда эканим уларга маъқул келди, шекилли, — доим шундай чиройли бўлиб юринг”, деб қўйди...

Уша биринчи учрашувдан сўнг мени журналхонлар билан ижодий кечаларга таклиф қила бошлашди.

“Энди журналист бўласиз...”

1976 йил октябрь. Опанинг хузурга бордим, бу гал жуърт қилиб, иш сурдим.

— Ишингиз яхши-ку! Катта адабий журнал бўлса... — деди.

— Ҳамма эркак ходимлар ичидан бир ўзим ишлагим келмапти, — дедим маъюслианиб.

— Тушунарли. Лекин мен қаттиққўлман, сафарларга чиқасиз. “Шарқ юлдузи”да шоира бўлиб танилдингиз, биз энди сизни журналист қилишимизга тўри келади.

Дарҳақиқат, “Саодат” да ҳаёт қайнар. Зулфияxonим ходимлари билан баравар меҳнат қилар, материалларнинг тахририни курсангиз, шудгор, дердингиз.

Биринчи мақолам “шудгор” бўлган, хафа бўлиб, аразладим. Устоз хонасига чақирди.

— Мақолангиз ёмон эмас. Лекин лирика кўп. Бу ижтимоий-сиёсий журнал. Аниқ фактлар, тахлиллар, хулосалар керак бизга... Мен билан муносабатингизни бузар экансиз, нега ишга кирдингиз бўлмас? Бунга аразчи бўлманг, эътирозни тўғри қабул қилинг...

Бу гаплар менга сабоқ бўлди. Зулфияxonим чиройли, сипо кийингани яхши кўрар, ўзи ҳам басаватли, вазмин кийиниб юрарди. Ундан журъатни, ўқтамликни, интизом, муомалани ўргана бошладим.

Зулфия опа менга кўпинча Ойдинхон, Ойдинхон, деб сўзланарди. “Ойдин”, деса бир нарсадан кўнгли тўлмаганлики, “Ойдин Ҳожиева”, деса, сал ўзингизни босиб олинг, деган маъно ўқардим.

Баъзан дилгир бўлиб қолса...

Устоз Ҳамид Олимжон ҳақида иштиёқ, меҳр билан сўзларди. Ҳамид Олимжон шеърларидан ёд ўқирди, мен ҳам кўшилардим.

Баъзан Зулфия опа дилгир бўлиб қолса, Насимахон Юсупова (бўлим мудири) менга “Ойдинхон, ёнларига сиз киринг”, деб у кишининг хонасига йўлларди. Шеър, суҳбат, азиз кишининг ёдидан устознинг кайфияти бирданига яхши бўлар, ҳамкасбларимиз ҳам қувнаб, очилиб юрарди.

Катта мушоиралар, адабиёт байрами, шеърхонлик кечаларига устозим, албатта, мени ҳам рўйхатга қўшар, қайси шеъримни ўқишни, қандай либосда чиқишимни, сахна маданиятини ўргатарди. Бундай анжуманларда, албатта, Зулфияxonим раислик қиларди.

Бизга аталган тарам-тарам олмалар

1982 йил 10 июнь. Зулфия опа эрталаб ишхонага келиб, беларус шоираси Эди Огнецветдан таржима қилинган.

Эди Огнецветдан таржима

қилган “Тасаввури этмам” сарлавҳали шеърни кўчиртирди. Кейин Максим Танқдан ўзи ўзбек тилига ўғирган “Янка Купала ҳайкали қаршида” шеърини ҳам кўчиртириб, қайта кўриб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига берди.

Тишлари безовта қилаётган экан, боққа бориб олтидан докторга борсаммикан, деб отланди. Озгина дам олай, анча толиқибман, деди.

Зулфия опа ҳар куни боғдан тарам-тарам чиройли олмаларни саватчага солиб, биз учун олиб келарди. Бизни бахтиёр, чиройли кўрса, суюниб, мактаб, кўнглилари тўлиб, хурсанд бўлиб юрарди. Кўп шеърларини саҳарда ёзганини айтарди. Аслида, Зулфия опа қушўйқу эди. Кўпинча уйку дори билан ухларди. Яхши ухламаса ҳам, доимо ўқтам ва кўркам қиёфада ишга келарди.

“Ўшанда ялангоёқ уйга қайтганмиз...”

“Қиш кунлари эди. Яхмалак отишга чиқдик. Ўшанда Хулқар туғилишига озгина қолган. Яхмалак учай десам, учолмайман. Шунда Ҳамид Олимжон “Қани, хоним, ўтиринг, пальтомдан ушланг, мен сизни чана тортибди яхмалак учираман”, дер эди. Қўйқириб, шодон бўлиб яхмалак учар эдик. Ҳамид Олимжон жуда меҳрли, сезгир ва ниҳоятда тоқир инсон эди. Бир куни зиёфатга бордик. Баланд пошонали туфли кийиб олганман. Юришга кийналганман. Қайтаётганимизда юриш яна ҳам машаққат бўлиб кетди. Шунда Ҳамид Олимжон “Қани, хоним, туфлингизни ечиб менга беринг, мана буни кийиб олинг”, деб туфлисини ечиб, оёғимга кийдириб қўйди. Мен Ҳамид Олимжоннинг катта туфлисини кийиб, у эса ялангоёқ уйга қайтганмиз”.

Ҳаётининг бу қувончли, завқли лаҳзаларини у кўзлари ёниб, юзлари ёришиб, худди ўша ҳолатни қайта бошидан кечираётгандек хузурлини сўзларди. Балки мана шу лаҳзаларнинг сўнмас эди Зулфияга то сўнгги нафасигача куч-қувват, мадор, сабр-тоқат бергандир...

“Энг ноиб нарсамизни йўқотганимиздан сўнг аңглаймиз”

1985 йил 14 сентябрь. Ойбек таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Наим Каримов опанинг хузурга келганида, Ойбек ҳақида суҳбат бўлди. Зулфияxonим Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ва Шайхзодани ниҳоятда ҳурмат қилар, ўзини уларга шоғирд хисоблар, улар ҳақида эҳтиром билан сўзларди. Ойбекнинг сунгги сафарлари ҳақида сўзларди. Суҳбатнинг бир учу Шайхзодани уланди.

— Шайх аканинг вафоти менга қаттиқ таъсир қилди. Бордим. Сакина хоним маҳзун бўлиб қолган. Шайх акага тикилиб, бутун фикр, бутун даҳолиқ унинг пешонасига йилгангани, деган хаёл ўтди. Хайратга тушдим ўшанда. Муздек пешоналаридан ўпдим. Бетобликларидан саватчага чиройли мевалар териб, Шайх акага юбориб турардим. Жуда меҳрибон аёл экансиз, деб ёзган хатлари бор. Агар умрим етса, ўша хатга жаваб ёзаман. “Кечиккан мактуб” бўлади сарлавҳаси. Ажабо, доно одамларнинг ақли шу ерга (пешонага) йилғилар экан-да. Одамлар улғандан кейин энг ноёб нарсамизни йўқотганимизни билиб қоламиз, — деган эди Зулфия опа ўқинч билан.

Фароғат худойқулова тайёрлади.



— Ҳамма иш битди, тайёр, деганларидан кейин палакни қўлимга олиб қарасам, бир чети чала экан. Мен янгамга “Нима учун мана бу жойини тикмадинглар? Келинлар, мен битказиб қўяй”, дедим. Шунда онам бу дунёнинг ишлари ҳар доим чала, агар палакни охирига бекумга кўст тикиб, унга нуқта қўйилса, ҳаёт ҳақиқатга зид бўлади, деб айтди.

Зулфия опа санъат музейида миллий санъат кўргазмасини Александра Стрельцова билан томоша қилаётганида рус журналисти “Нима учун палакнинг мана бу ери тикилмаган?” деб сўрайди. Унга жавобан шоира онасининг ўша сўзларини айтди. Шунда журналист ўйланиб қолди, “Ўзбек халқи — дунёнинг аёллари”, дея ҳайратини билдирган экан.

— Қадрли акам, халқ артисти Ботир Зокиров қўшиқларининг маъносига катта эътибор қаратарди. Айниса, фалсафий, залварли шеърлар у кишининг жони-дили эди, — деб ҳижоқ қилади Ўзбекистон халқ артисти Фаруқ Зокиров. — Аниқ эсимда бор: Ҳамид Олимжоннинг етмиш йиллик юбилеи тантаналарига Ботир акам “Ҳаёлимда бўлдинг узун кун...” шеърини қўшиб қилиб қўйлади. Коңцерт туғача, Зулфия опа саҳнага чиқди. Ботир акамни қучоқлаб, “Ботирхон, бу шеърни Ҳамид аканинг менга бағишлаб ёзган эди, уни шундай қўйладингизки, ҳаёлимда ўзларини ўқиб тургандай бўлди”, деб миннатдорлик билдирди. Ботир акам Зулфия опани жойларга кузатар экан, “Умрбоқий муҳаббат деганлари шу бўлса керак”, деган эди.

Миллатнинг биринчи тарбиячилари оналардир. Оилада отанинг ўрнини ҳам босиб, иссиқ-совуққа бирдек қалқон бўлиб

тургувчи, фарзандлари, набиралари келажак учун тоғдек посдон бўлгувчи моламимиз ўзбекнинг асп аёлларидир. Мен буни Зулфия опанинг ўғли Омон Олимжоннинг армонли ва фахрли сўзларидан аңладим.

Бир гал Олий Кенгаш депутатлигига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрест Омон Олимжоннинг номзоди қўйилди. Мен у кишига ишончли вакил сифатида Жиззах туманида ўтказилган учрашуларда қатнашдим. Йигилларнинг бирида Омон Ҳамидович ота-онаси ҳақида меҳр билан гапирар экан, ҳар икки беназир шоирнинг ҳаётида бувиси Комила ая муҳим ўрин тутгани, бошига гўё осмонлар қўлаб тушган Зулфия опанинг оёққа туришига, ижодий фаолиятини давом эттиришига доғнашманд бўлишининг меҳру фидойилиги катта сўнч бўлгани, ўзининг юраги тилка-пора бўла туриб, келини ва набираларини оғир дамларда тоғдек сўянгани ҳақида ёниб сўзлаганди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида Жиззахда фаолият кўрсатаётган Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабига таҳсил олаётган ўғил-қизлар билан дийдорлашганимизда адабиётнинг ёрқин юлдузлари ҳақида илиқ гаплар эшитамиз. Муҳожирча Абдураҳимовнинг “Ширин орзулар” тўплами нашр этилгани, ёш ижодкорларнинг ижод намуналари Украинанинг “Автограф”, Германиянинг “Мастерская”, АҚШнинг “Чайка” номли нашрларида эълон қилингани фахр беради инсонга.

Бутун умр эл хизматига бўлиб, замондошларининг ташвишини ўзиникидек билиб, оғринмай елкалаган инсонлар ҳамма замонларда ҳам шараф ва хурматга сазовордир. Биз бунинг тасдиғини академик шоиримиз Фағфур Фуломнинг “Муаззам Шарқ ноибидир сенинг покиза жонингда”, жаҳон адабиёти даргалари Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатовнинг “Зулфия ҳозирги замон ўзбек шеърининг энг мафтункор зарварларидир. У ўз халқининг тақдир билан қўшилиб кетган ижодкор сифатида юксалган Ўзбекистон куйчиси, янги Шарқ аёлларининг рамзи”, деган юксак таърифларидан қўрамиз.

Бутун бир миллатни маърифатга бошлаш, адабиётга яқинлаштиришдек қутлуғ ишохотлар Зулфияxonим ижоди тилсизода янграмоқда. Улуғ Чўлпон айтган “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”, деган ҳикматнинг амалдаги исботи ёниқ шеърий давралар, соҳир мушоиралар шаклида баҳор буйиғи ифдор соҳаварадир. Бу фикр чизингдан ўтган ҳар бир сатрининг халқ кўнглига етиб боришига эришиш учун фидойи хизмат қилган шоиру адибларга ҳурмат ифодаси. Зеро, маърифатли миллатнинг тафаккур каровонлари ёруғ манзиллар сари одамларни веради. Бу каровонларнинг бекатларини меҳр чироклари билан ёритиб турган, зиёларини халққа етказишда камарбаста бўлган инсонлар бор.

Адиблар хибобинда Зулфияxonим ҳайкал пойига гул қўярканмиз, Янги Ўзбекистондаги адолатли ва шиддатли ишохотлар инсон қадрини, жаҳондаги обрў-эътиборини оширишдек олижаноб қадриятлар учун хизмат қилаётганига яна бир бор амин бўламиз.

БИНАФШАЛАР КЎЗИДАГИ ИНЖА СОҒИНЧЛАР

Инобат ОЙДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Зулфия опани охириги маротаба кўрганимизда ҳар доимгидай сипо, ораста ва меҳрли эди. Майин табассум, оналаргагина хос латофат, назокат, соғинч...

Ўшанда хоразмлик курсдошларимдан бири Муяссар Раззоқова Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида илк концертни бераётганини айтиб қолди. Дугонам билан дарров етиб бордик. Хали кўпчилик келмаган экан. Катта залга кириб олдирокдаги қаторда ўтирган Зулфия опани кўзимиз тушди. Она кўлларини ияқларига қўйиб, кимнидир кутгандек ўйланиб ўтирар эди.

Фурсатдан фойдаланиб, олдига югурдик. Бизни кўриб, одатдагидай хурсанд бўлди. Шундай дилбар табассум қилдик, ҳалиям эсласам, энтикиб кетаман. Гўё кучок очиб кутиб олди. Биримиз ўнг томонига, биримиз чап томонига ўтириб олдик. Концерт бошлангучи диждорлашиб олиш истағи туғилди. Одатда бундай дақиқалар худаям кам бўларди. Ҳозир ҳам бирор келиб қолади-ю, суҳбатимиз узалди, деб вақтни кизганиб турдик. Зулфия фотомуҳбирлар меҳмонларни расмга тушириб юрарди, шу дақиқаларни тарихга муҳраб қўйиш эсимизга келмабди. Бунгидай бир лаҳзада “ширқ” этиб расмага туширадиган имкониётлар йўқ эди-да... Ундан ташқари, ҳаяжоннинг таъсирида ҳеч нимага эътибор қилмаганмиз.

Ўшанда мен ТВдаги чиқишларим орқали анча танилиб қолган эдим. Бу ҳақда она индамади-да. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилган бир туркум шеърларимни ўқиганини айтди:

Озурда жон, қувонган, онам,
Эшигини очиб елларга,
Келади де, келар де болам,
Узинг яхши кўрган элларга...

Инобат Ойдин тахаллуси билан босилганди шеърларим ўшанда.

— Нимага Инобат Ойдин? — деди Зулфия опа илик менга қараб.

— Ойдин — онамининг исми, онам хурсанд бўлсин деб шундай тахаллус танлаганман, — дедим.

Онам ҳақида илгарти учрашганларимиздаям айтиб берганман. Чунки журналист бўламан деб Тошкентга келибманки, икки мисра биринман билан журналларда чиқибманки, онагизман “Зулфияxonимни кўрдимми, Ойдин Ҳожиевани кўрдимми”, деб

сўрайверарди. Бир гал Тошкентга келганида тахририятга ҳам борган. Зулфия опани кўриш истагиди. Опани Бухорода, сафарда дейишган. Мен Зулфия опанинг саломини онамга, онамининг саломини Зулфия опага етказиб турардим.

Онам раҳматли бир кун ҳам бир жойда ишламаган, саккизи болани катта қиламан, ўқитман деб рўзгорга андармон бўлиб юрган. Шу боис, бутун орзу-авасларини бизда кўришни истаган. Кейинчалик Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева билан учрашиб, яхшилик танишиб кетган. Камроқ ёсам, камроқ кўрсанман, “ёзмайсан, ўқимайсан ё”, деб тергаб турарди. Бир сўз билан айтганда, катта шоирам, катта устозим — онажонимнинг исмлари билан чиқа бошлагандим.

Зулфия опада жуда бир гузал одатни аңлаганмиз. У ҳам бўлса, “йилт” этиб қақнаган ниҳолга дарров эътибор қилиб, меҳрини яамасди.

Уша кунга она кўлларимни ушлаб, ўнг қафлларига олди.

— Жуда чиройли, жуда аjoyиб, мен ҳали онасининг исмини тахаллус қилиб олганларни эшитмагандим, биринчи бор эшитишим, онам яхши бўлибди. Албатта, онангизга саломини етказиб қўйинг, — деди.

Опанинг кўллари шундай мулоим, шундай нафис эдики, ҳозир ҳам шу ҳарорат қафтимда тургандай. Эслаганим сари шу тароватни хис қилаверман, соғинаверман. Бармоқлардаги ҳарорат қалбимга хузур бераверади. Гўёки кўллар гапиргандай ўшанда. Бармоқлар бир нимани сўзлагандилар ўшанда. Зулфияxonимда ана шундай тароват, меҳр, айтиб адо қилиб бўлмайдиган сеҳр борлигини... Уяга ярашган меҳр билан сеҳрлаб қўйишини...

Ҳар йили баҳор келиши билан хотиралар уйғонади, соғинч уйғонади. Ҳаётлик чоғидек ўзига ҳақил қўйиб кетган устозни кўп ёдга оламиз. Аслида, ҳеч қачон эсимиздан қикмайди. Эслаганимиз сайин соғиниб-соғиниб яшайверамиз...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфия жihatдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма Г-346.** 13625 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.** Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳиқ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев